

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАҚСАДЛИ ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ

Каримов Дилшодбек Абдумаликович

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада Сурхондарё вилояти экспорт салоҳиятини ошириш йўналишлари, ҳудудий кластерларни шакллантириш имкониятлари ва туманларнинг 2030 йилгача экспортини ривожлантириш бўйича мақсадли прогноз параметрлари тадқиқ этилган. Прогноз учта вариантда ишлаб чиқилиб, муаллиф томонидан таклиф этилган учинчи вариант мавжуд маҳаллий афзалликлардан самарали фойдаланишга қаратилгани асосланган. Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш механизмлари тизимлаштирилган.

Калит сўзлар: экспорт салоҳияти, мақсадли прогноз, ҳудудий кластер, мева-сабзавот, рағбатлантириш механизмлари, диверсификация, қишлоқ туманлари.

Аннотация. В статье исследованы направления повышения экспортного потенциала Сурхондарьинской области, возможности формирования региональных кластеров и целевые прогнозные параметры развития экспорта районов до 2030 года. Прогноз разработан в трёх вариантах; обоснован предложенный автором третий вариант, ориентированный на эффективное использование местных преимуществ. Систематизированы механизмы стимулирования производства экспортноориентированной продукции.

Ключевые слова: экспортный потенциал, целевой прогноз, региональный кластер, плодоовощная продукция, механизмы стимулирования, диверсификация, сельские районы.

Кириш

Сурхондарё вилоятининг бой табиий ресурслари ва қулай транзит имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш экспорт салоҳиятини ошириш орқали амалга оширилиши мумкин. 2018–2024 йилларда вилоят экспорт ҳажми 1,4 баробар — 157 млн. доллардан 218 млн. долларга ошган, экспорт географияси эса 45 давлатга етган. Шунга қарамай, вилоятнинг табиий афзалликлари билан амалдаги экспорт ўртасида тўлиқ мувофиқлик мавжуд эмас. Ушбу мақолада экспорт салоҳиятини оширишнинг истиқболли йўналишлари, кластер ёндашуви ва мақсадли прогноз параметрлари кўриб чиқилади.

Экспорт салоҳиятини оширишнинг устувор йўналишлари

Вилоят экспорт салоҳиятини оширишда қишлоқ туманларининг ўзига хос афзалликларидан фойдаланиш марказий ўрин тутди. Бунда қуйидаги устувор йўналишлар тақлиф этилади: экологик тоза ва юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш; туманлараро экспорт ҳажмидаги кескин тафовутни қисқартириш; иқлим ўзгариши, экологик ва эпидемиологик хавфларни (жумладан Афғонистондаги Қўштепа канали таъсирини) олдиндан баҳолаш; экспорт таркибини мева-сабзавот, қурилиш материаллари ва халқаро туризм ҳисобига такомиллаштириш.

Айниқса туманлар кесимида экспорт ва импорт ҳажмларини объектив баҳолаш бўйича янги ахборот платформасини шакллантириш ҳамда тизимли мониторингни рақамли технологиялар асосида амалга ошириш долзарб ҳисобланади. Туманларнинг ўзига хос афзалликларини эътиборга олган ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва самарали ихтисослашувини таъминлаш асосий йўналиш бўлиб қолади.

Бундан ташқари, иқлим ўзгаришининг вилоят нисбий афзалликларига салбий таъсирини камайтириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарур. Унинг таркибига ишлаб чиқаришни иқлим ўзгаришига мослаштириш, нисбий афзалликлардан унумли фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқаришни узоқ муддатли жойлаштириш стратегиясини тайёрлаш, субтропик ўсимликларни ўстиришнинг илмий-технологик асосларини яратиш ҳамда ер ости ва усти сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг доимий мониторинг тизимини жорий этиш каби йўналишлар киритилиши лозим.

Худудий кластерларни шакллантириш

Вилоят туманларида қиёсий афзалликлардан фойдаланиш ва қўшимча қийматни ошириш орқали экспорт ҳажминини кўпайтиришда худудий кластерларни ташкил этиш юқори самара беради. Тадқиқот доирасида бир неча кластер йўналишлари асосланди:

Тўқимачилик кластери — ингичка толали пахта хом ашёсини қайта ишлаш орқали Ўзбекистонда ягона бўлган пахта-тўқимачилик кластерини ташкил қилиш учун барча шароитлар мавжуд. Бирламчи босқичда табиий толалар ишлаб чиқариш, кейин йиғирилган ип ва газлама, сўнгра тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали қўшимча қиймат яратилади.

Мева-сабзавот кластерлари — анор, хурмо, анжир, ўрик асосида алоҳида кластерлар шакллантирилади. 2021–2023 йилларда вилоятда 9 936 гектар ерда анорзорлар барпо этилган бўлиб, асосий плантациялар Шеробод, Музработ ва Узун туманларида жойлашган. Анорни қайта ишлаш (мураббо, сироп, шарбат, фармацевтика маҳсулотлари) орқали юқори қўшимча қийматли кластер яратиш мумкин.

Курилиш материаллари кластери — маҳаллий минерал хом ашё асосида рақобатбардош қурилиш материалларини ишлаб чиқариш кластерини Жарқўрғон, Шеробод, Сариосиё, Олтинсой, Қумқўрғон ва Узун туманларида жойлаштириш мумкин. Шунингдек кўмир, туризм-рекреация ва транзит кластерлари ҳам вилоят учун катта истиқболга эга.

Туризм-рекреация кластерини шакллантиришда вилоятнинг даволаш-профилактика хусусиятига эга минерал сув манбалари (Омонхона, Хўжайнак) ҳамда Сангардак, Хонжиза, Вахшивор, Бойсун тоғ ҳудудларининг шифобахш табиий шароитидан фойдаланиш мумкин. Транзит кластери эса Афғонистон, Тожикистон ва Туркманистонга жўнатилаётган транзит юklar ҳажмининг ортиб бориши шароитида вилоят учун алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу кластерлар тизими қўшимча қиймат занжирини шакллантириш ва экспорт салоҳиятини барқарор оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мақсадли прогноз параметрлари

Нисбий афзалликлардан фойдаланган ҳолда туманларнинг 2030 йилгача экспортини ривожлантириш бўйича мақсадли прогноз учта вариантда ишлаб чиқилди (1-жадвал). Биринчи (инерцион) вариант мавжуд тенденциялар асосида экспортни 1,7 марта оширишни, иккинчи вариант қабул қилинган ривожлантириш дастурларидаги кўрсаткичлар асосида 2,4 марта оширишни, муаллиф томонидан таклиф этилган учинчи вариант эса маҳаллий афзалликлардан самарали фойдаланиш ҳисобига 3,6 марта оширишни кўзда тутди.

1-жадвал. Экспорт салоҳиятини ошириш бўйича прогноз вариантлари

Вариант	Мазмуни	2030 й. ўсиш	Экспорт ҳажми
I (инерцион)	Мавжуд тенденциялар экстраполяцияси	1,7 марта	≈ 370 млн.\$
II (дастурлар)	Ривожланиш дастурлари кўрсаткичлари	2,4 марта	≈ 527 млн.\$
III (муаллиф)	Маҳаллий афзалликлардан фойдаланиш	3,6 марта	≈ 800 млн.\$

Учинчи вариантнинг ўзига хослиги шундаки, асосий урғу саноат маҳсулотларига эмас, балки рақобатбардош мева-сабзавотлар ва уларни қайта ишлашга қаратилади. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирда экспортда саноат маҳсулотлари улуши 60 фоиз, мева-

сабзавот ва уларни қайта ишлаш улуши 39 фоиз, туризм ва хизматлар улуши 0,8 фоиз бўлса, 2030 йилга келиб бу ҳиссалар мос равишда 45, 53 ва 2,0 фоизга ўзгариши кутилмоқда (2-жадвал).

2-жадвал. Учинчи вариант бўйича экспорт таркибининг ўзгариши

Экспорт йўналиши	Ҳозир, %	2030 й., %
Саноат маҳсулотлари	60	45
Мева-сабзавот ва қайта ишлаш	39	53
Туризм ва хизматлар	0,8	2,0

Экспортни рағбатлантириш механизмлари

Хорижий тажриба ва маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда экспортбоп қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг умумлашган механизмлари ишлаб чиқилди. Уларнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат: солиқ ва божхона соҳасида экспортчиларни қисман ёки тўлиқ имтиёзлар билан таъминлаш; экспортни молиялаштириш учун давлат кафолати, имтиёзли кредитлаш ва махсус дастурларни жорий этиш; ахборот-маслаҳат ва маркетинг тизимида грантлар ажратиш, бозор конъюнктурасини ўрганиш ва хорижий ҳамкорларни излаб топишда кўмаклашиш.

Шунингдек, янги ташкил қилинадиган тадбиркорлик субъектлари ва кластер ташкилотлари учун ер солиғи, мол-мулк солиғи, фойда солиғи ва бошқа бир қатор солиқларнинг 50 фоизини тўлашдан озод қилиш каби чора-тадбирлар тақлиф этилди. Ушбу механизмлар вилоятнинг экспорт салоҳиятини барқарор оширишга хизмат қилади.

Хулоса

Ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, Сурхондарё вилояти экспорт салоҳиятини ошириш учун катта имкониятларга эга. Муаллиф томонидан тақлиф этилган учинчи прогноз варианты асосида экспортни 2030 йилгача 3,6 марта — 800 млн. долларга етказиш, бунда асосий устуворликни рақобатбардош мева-сабзавот ва уларни қайта ишлашга қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Худудий кластерларни шакллантириш ва экспортни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш орқали вилоят туманларининг қиёсий афзалликларидан тўлиқ фойдаланиш, экспорт таркибини диверсификация қилиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мумкин. Бу натижалар амалда тегишли давлат қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 декабрдаги ПФ-223-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 апрелдаги 218-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4995-сон Қарори.
4. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги маълумотлари. — Термиз, 2025.
5. Назаров М.И. Минтақа экспорт салоҳиятини кластер асосида ривожлантириш // Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил. — 2023. — №1.
6. Рўзиёв О.А. Қишлоқ туманлари ўсиш драйверлари ва экспорт диверсификацияси. — Тошкент, 2022.